



ТУПРОҚДА ОРГАНИК ҚОЛДИҚ ТЎПЛАНИШИНИ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ.

Ойжамол Абдиева

Наманган давлат университети доценти

Аббосбек Иброхимов

Наманган давлат университети талабаси

Аннотация: *Тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишда буғдой ҳамда бедани ҳамкор экиш муҳим ҳисобланади. Бунда уларни экиш меъёрларига аҳамият қаратиш зарур.*

Калит сўзлар: *тупроқ, унумдорлик, буғдой, беда, органик қолдиқ, экиш меъёри.*

Annotation: *It is very important to sow wheat and alfalfa together in order to maintain and improve the quality of soil. It is significant to pay attention sowing norms.*

Key words: *soil, productivity, wheat, alfalfa, organic remains, sowing norms.*

Республика аҳолисини нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида суғориладиган ерларда экиладиган экинлар мажмуига кузги буғдой киритилиб, у катта майдонларда экилмоқда. Натижада, асосий экин бўлиб ғўза ва буғдой бўлиб қолди. Бу беда экин майдонларини кескин камайишига олиб келди. Бу тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишда муаммолар ҳосил қилмаслиги боис бедани экиш йўлларини излаб топишни талаб қилар эди. Шу сабабли асосий экинлар оралиғида беда ўстириш бўйича илмий ишлар олиб боришни мақсад қилиб олдик.

Ўзбекистон иқлими иссиқ бўлганлиги ва иссиқ кунлар узоқ давом этганлиги сабабли, буғдой ҳосили йиғиштириб олинганидан сўнг уни ўрнига такрорий экин сифатида турли қишлоқ хўжалик экинлари экиб ўстирилади. Шунинг учун биз ҳам ўз тажрибамизда шундан фойдаланиш мақсадида кузги буғдой билан бедани ҳамкор экиб ўстиришни мақсад қилиб олдик.

Тажриба қўйишдан олдин тажриба даласининг тупроғи таркибидаги озуқа элементларининг умумий ва ҳаракатчан миқдорларини аниқлаш учун тупроқ намуналари олинди ва лабораторияда аниқланди. Унга кўра, тупроқнинг 0-30 см қатламида тупроқ оғирлигига нисбатан гумус миқдори 1.014 % ни, умумий азот 0.124 % га тенг эканлиги аниқланди. Тупроқдаги озика элементларининг ҳаракатчан шакллари нитратли азот миқдори 0-36 см.да 23,4 мг/кг.ни, ҳаракатчан фосфор 31,5 мг/кг.га, алмашинувчи калий миқдори 220 мг/кг эканлиги аниқланди.

Тажрибада кузги буғдой ва бедани ҳамкор ўстириш учун экиш меъёрларини ўрганиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Чунки, ўсимликларни биргаликда ўстирилганда бир-бирини ўсишига таъсир кўрсатмаслиги зарур. Шунинг учун биз тажриба тизимини 1-жадвалдаги каби қилиб белгилаб олдик.



Унга кўра биринчи вариантими назорат варианты бўлиб, унда кузги буғдой соф ҳолда тавсия этилаётган экиш меъёрида экилган. Кейинги иккинчи вариантимида буғдойни экиш меъёрини камайтириб, беда уруғини гектарига 15 кг дан қилиб белгилаб олдик. Тажрибамизнинг кейинги вариантларида жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузги буғдой ва бедани экиш меъёрлари мувофиқ равишда ўзгариб борган.

Кузги буғдой ва бедани экиш меъёрларини уларни тупроқда қолдирадиган озика элементларига таъсирини ўрганиб чиқдик. Буғдой ўсимлиги вегетацияси даври давомида жуда кўп органик масса ҳосил қилади. Шу ҳосил бўлган органик массанинг кўп қисми ҳосил йиғиштириб олинганидан кейин тупроқда қолиб кетади. М.Ботиров [1; 24-б.], И.Ж.Сулаймонов ва Д.Эргашев [5; 13-17-б.] ларнинг фикрича буғдойни тупроқда анғиз ва органик массани қанча миқдорда қолдириши тупроқнинг таркибидаги чиринди миқдорига боғлиқ экан. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, биз тажриба вариантлари бўйича буғдой ҳосили қиғиштириб олинганидан кейин органик қолдиқларни ҳисобга олдик. Унга кўра буғдой уруғини экиш меъёри ортиб борган сайин унинг қолдирадиган органик қолдиғи ҳам ортиб борган. Кузги буғдой уруғи 200 кг/га миқдорда экилган 2;5 ва 8 вариантларда унинг миқдори мос равишда 58;57;56 ц/га бўлгани ҳолда экиш меъёри 250 кг/га қилиб белгиланган 1;3;6 ва 9 вариантларда бу кўрсаткич ортганлигини (мос равишда 61;64;62 ва 60ц/га) кўришимиз кўришимиз мумкин.Буғдойни экиш меъёри гектарига 300 кг қилиб белгиланганда бу миқдор яна ҳам ортганлигини кўришимиз мумкин яъни, 4-вариантда 68, 7-вариантда 61 ва 10-вариантда бу 60 ц/га бўлганлигини кўришимиз мумкин. Буғдойни тупроқда органик қолдиқ қолдиришига ҳамкор экилган бедани экиш меъёрларини ҳам таъсири бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Беда уруғини экиш меъёрларини ортиши билан буғдойни тупроққа қолдираётган органик қолдиқ миқдори камайиб борганлиги кузатилди. Бу экинларни кўчат қалинлиги билан боғлиқ бўлиб, уларни кўчат қалинлигини ортиши ўсимликни ўсиб-ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлса керак.

1-жадвал

Тупроқда органик қолдиқ тўпланишига буғдой ва бедани экиш меъёрларини боғлиқлиги

Вар.	Уруғни экиш меъёрлари, кг/га		Тупроқнинг 0-30 см қатламида тўпланган органик қолдиқ, ц/га		
	буғдой	беда	буғдойда	Бедада	жаъми
1(назорат)	250	-	61	-	61
2	200	15	58	124	182
3	250	15	64	121	185
4	300	15	65	119	184
5	200	18	57	126	183



6	250	18	62	125	187
7	300	18	61	123	184
8	200	20	56	128	184
9	250	20	60	125	185
10	300	20	60	124	184

Биз тажриба олиб бориш мобайнида беда ўсимлигини органик масса тўплашига ҳам ахамият бердик ва уни вариантлар бўйича ҳисоблаб бордик. Тажрибанинг назорат вариантыда беда экилмаган бўлганлиги сабабли унда беда қолдиқлари бўлмади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи вариантларда бедани экиш меъёри бир хил 15 кг/га қилиб белгиланишига қарамасдан уларни қолдирган илдиш ва анғиз миқдорларида фарқ сезиларли бўлганлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар 2-вариантда 124 ц/га миқдорда бўлгани ҳолда 3 ва 4-вариантларда мос равишда 121 ҳамда 119 ц/гани ташкил этган. Бедани экиш меъёри гектарига 18 кгга етказилганда тупроқда органик қолдиқ миқдори мос равишда 126; 125 ва 123 ц/гани ташкил этган. Бу кўрсаткичлар олдинги (экиш меъёри 15 кг/га қилиб экилган) вариантлардагидан ортганлигини кузатишимиз мумкин. Беда уруғини 20 кг/га қилиб белгиланган 8-вариантда органик масса 128 ц/га бўлиб, кейинги 9 ҳамда 10 вариантларда бу мос равишда 125 ва 124 ц/гани ташкил этганлиги кузатилди. Бу олинган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, бедани экиш меъёри ортиши билан уни тупроққа қолдирадиган органик масса миқдори ҳамма вариантларда ҳам керакли миқдорда ортмаган. Бунинг сабаби буғдой ва бедани ҳамкор экиш экилгани бўлса керак. Буғдойни экиш меъёри ортиши билан бедани қолдирадиган органик массаси камайиб борганлиги бедани ўсиш ривожланишига буғдой маълум даражада салбий таъсир қилганлигини кузатишимиз мумкин.

Кўпгина олимларнинг таъкидлашича [2; 197-б., 3; 28-бю, 4; 51-80-б.] буғдой ва бедани ҳамкор ўстириш учун ноябр ойининг охириги ўн кунлигида ғўзапоядан тозаланган ерга гектарига 250 кг дан буғдой уруғи 18 кгдан беда уруғи экилиб, бир йил мобайнида ўстирилганида тупроқнинг 0-30 см қатламида гектарига 12-14 тоннагача миқдорда органик қолдиқ қолдиради.

Биз тажриба олиб бориш мобайнида буғдой ва бедани бир йил мобайнида тўплаган органик массаси ҳисоблаб чиқилди. Унга кўра энг энг юқори кўрсаткич гектарига 250 кг буғдой ва 18 кг беда уруғи экилган олтинчи вариантда кузатилиб, тупроқнинг хайдов қатламида унинг 187 ц/гани ташкил этган. Қолган вариантларда ҳам қолдирилган органик масса миқдори тупроқ таркибидаги гумус миқдорини ортишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганимизда, тупроқ таркибидаги озиқа элементлари миқдорини ошириш учун буғдой билан бедани ҳамкор экиш яхши самара беради. Бунинг учун буғдой ва беда уруғларини мос равишда 250 ва 18 кг/га қилиб белгилаш, тупроқнинг 0-30 см қатламида 18,7тонна миқдорда органик масса қолдиришга эришилади.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ботиров М.Х. “Гўза-ғалла” навбатлаб экишда оралиқ муддатида беда парваришлашни тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсири Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” ж., 2012 й., №7, 24-бет.
2. Турсунходжаев З.С., Болкунов А.С. Научные основы хлопковых севооборотов. -Ташкент, “Меҳнат”, 1987 г., стр 197.
3. Собиров А. Беда чорвага ҳам ерга ҳам озуқа. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” ж., 2010 й., №8, 28-бет.
4. Телляев Р., Романов Х.С. Севообороты хлопкового комплекса. Справочник хлопкороба. -Ташкент, 1993 г, с.51-80
5. Sulaymanov I. J., Ergashev D. T. EFFECT OF NITROGEN FERTILISER FORM AND RATE ON SUGAR BEET GERMINATION //SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 13-17.